



Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati

ФАРҒОНА АҲЛИ ҲАР БИР ТАШАББУС БЎЙИЧА АНИҚ НАТИЖАЛАРНИ КУТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июль куни қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги йирик лойиҳалар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда маҳаллалар ҳаёти билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига келди.

Ҳар бир ҳудуднинг "ўсиш нуқталари"ни ривожлантириб, одамларга иш ўрни ва даромад манбаи яратиш – давлатимиз сиёсатининг устувор мақсади. Олтиариқ туманида деҳқончилик шундай таянч соҳа. Бу ернинг одамлари маҳсулот етиштириш ва уни экспорт қилишнинг ҳадисини олган.

Илгари бу туманда ҳам пахта ва ғалла кўп экилар эди. Давлатимиз раҳбарининг ғояси билан қишлоқ хўжалиги экинлари манфаатдорлик, бозор талаблари асосида ўзгартирилди. Бунда нафақат экишга эркинлик берилди, балки ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг мева-сабзавотчилик соҳасида қўшимча қиймат занжирини яратиш, узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш тўғрисидаги қарорлари бу соҳага янги имкониятлар очди. Хўжаликларга субсидиялар берилди, илғор технологиялар жалб этиш давлат томонидан рағбатлантирилди. Бу имкониятлар натижасида бугун узумчилик катта тармоққа айланди, бундай хўжаликлар кўпайиб бормоқда.

2020 йилда туманда "Хайрулло Баҳром Бойматов" фермер хўжалиги томонидан 75 гектарда узумчилик плантацияси ташkil этилган эди. Давлатимиз раҳбари

ушбу тоқзорни келиб кўрди.

Бу ерда "Ҳусайни", "Келинбармоқ", "Ризамат", "Мерседес" каби узум навлари етиштирилмоқда. Улар келгуси йилдан тўлиқ ҳосилга кириди ва жами 3 минг тонна узум етиштирилади.

Олдинлари бу майдонда пахта экилиб, ўртача 25 центнердан ҳосил олинган. Энди узумнинг нархи билан солиштирганда, бир гектардан даромад қарийб 10 баробар ошган.

Яна бир муҳим томони, фермер хўжалигида мавсумий юмушлар билан бирга, 700 кишининг бандлиги таъминланган. Улар қунига 200 минг сўмгача иш ҳақи олади.

Президентимиз ёшларга ва ишсиз фуқароларга узум парваришини ўргатиб, улар билан кооперация асосида узум етиштириш, бунга чет эллардаги юртдошларимизни ҳам жалб этиш зарурлигини таъкидлади.



Боғда, шунингдек, олма, гилос ва ўрик кўчатлари, қатор ораларига тарвуз, қовун, помидор, қалампир, булғор қалампери ва бошқа сабзавотлар экилган. Булар ҳам аҳоли даромади, юртимиз экспортини ошириш учун қўшимча манба бўлмоқда.

Боғ ёнида 2 минг тонна сифимга эга бўлган совуткичи омбор қурилган. Бу

ерда маҳсулотлар сақланиб, сараланиб, Туркия ва МДХ мамлакатларига экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда иқлими узумчиликка мос туманлар кўпчилигини таъкидлаб, уларда ҳам Олтиариқ тажрибасини жорий қилиш, тоқзорларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берди.

(Давоми 2-бетда).

4-БЕТ



**БИЗ
ПРЕЗИДЕНТДАН
РОЗИМИЗ!**

5-БЕТ



**ГУЛЛАЁТГАН
УМР ДАРАХТИ**

7-БЕТ



**МИЛЛАТЛАРАРО
БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ**

3-БЕТ



ҚОҒОЗДА ЭМАС...

ФАРҒОНА АҲЛИ ҲАР БИР ТАШАББУС БЎЙИЧА АНИҚ НАТИЖАЛАРНИ КУТМОҚДА

(Боши 1-бетда).

Президентимиз Бағдод туманидаги Хитой маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуши билан яқиндан танишди.

Бу ерда 2 минг 800 нафарга яқин аҳоли яшайди. Одамлар томорқадан унумли фойдаланади. Аёллар тикувчилик билан шуғулланади. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик рўзгорларга барака киритган.

Ундан ортиқ савдо дўконлари, мебелсозлик корхонаси, сартарошхона, тикувчилик ва хунармандчилик устaxonаларида аҳоли иш билан банд. Шунингдек, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яхши шароит бор. Маҳаллада охириги икки йилда бирорта жиноят содир этилмаган.

Давлатимиз раҳбари шу ерлик Абдуғаффор Халилов хонадониди бўлиб, маҳалла вакиллари билан суҳбатлашди.

– Бугун келиб, Фарғонадаги ривожланишни, маҳаллалардаги шароитни кўриб хурсанд бўлдим, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ислохотларни ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис қилиши учун ҳамма ишларни қўйи тизимда ташкил этилган. Фарғона вилоятида 1062 та маҳалла бор. Улардаги муаммоларни, муҳтож оилаларнинг талаб-истакларини жойида ҳал этиб, одамларни рози қилиш зарур. Барча раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, халқимизга муносиб бўлиб, меҳнат қилиши керак.

Самимий суҳбатда нурунийлар сўнгги йилларда маҳалла қиёфаси яхшилангани, “Очиқ бюджет” ташаббуси орқали кўчалар обод бўлганини айтди. Хусусан, 5 километр ички йўлга асфальт ётқизилган. Электр тармоқлари ва трансформатор янгиланган.

Президент суҳбатда билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлаб, маҳалла идорасини таъмирлаш, мактаб учун қўшимча бино қуриш бўйича кўрсатмалар берди. Ёшларни ўқитиш ва хунар ўргатиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш муҳимлиги ҳақида сўз юритилди.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонасида ўнлаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Яқинда бу ерда “BNBM Building Materials Central Asia” корхонаси очилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифи доирасида ушбу корхонага кўздан кечирди.

Корхонага 30 миллион доллар тўғридан-тўғри хориж инвестицияси йўналтирилиб, йилига 30 миллион квадрат метр гипсокартон ва 4 миллион квадрат метр декоратив гипсокартон ишлаб чиқариш қуввати яратилди. 200 та янги иш ўрни жорий этилди.

Шу ерда Фарғона вилоятидаги янги мажмуаларни ишга тушириш маросими бўлди. Булар – Бешариқ туманидаги “Фарғона Ясин қурилиш моллари”, Учкўприк туманидаги “Моллис” ва “Про-кер”, Риштон туманидаги “Чинор плюс – 2020”, Тошлоқ туманидаги “Экспо коллор прин текс”, Фарғона туманидаги “Баҳодир Лоғон текстиль”, Ўзбекистон туманидаги “Цемент хомашё савдоси”, Қўштепа туманидаги “Глобал Текстайл Инфинити” корхоналари, шунингдек, шошилич тиббий ёрдам ҳамда кардиология илмий-амалий марказлари филиалларидир.

Шундан сўнг, Президент раислигида инвестицияларни жалб этиш, саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоалоқа орқали уни Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, барча вилоят ва туманлар ҳокимлари ҳам кўзатиб борди.

Сайловолди учрашувида аҳоли турмуш шароитларини янада яхшилаш, ви-

лоят иқтисодиётига фаол инвестициялар жалб қилиб, аҳоли даромадларини ошириш бўйича катта марралар олингани қайд этилди.

– Олдимизда ҳали етти йил бор, бу ишларни эртага ёки кейинги йилдан бошлаймиз, деган вазир ёки ҳоким каттиқ адашади. Чунки одамларимиз сайловолди дастурларида кўтарилган ҳар бир ташаббус бўйича аниқ натижаларни бугундан кутаяпти. Агар энг юқоридан тортиб, маҳаллагача иш услуби ўзгармаса, барча даражадаги раҳбарлар “ҳар бир янги кун – янги имконият” деб ишлашга ўрганмаса, вақтни бой бериб қўямиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш бўйича Фарғона вилоятидаги айрим туман ва шаҳарларнинг кўрсаткичлари қониқарсизлигини кўрсатиб ўтди.

Мисол учун, Фарғона шаҳрида ўтган йилнинг олти ойида бор-йўғи 25 миллион доллар инвестиция киритилган бўлса, жорий йилда ушбу рақам атиги 12 миллион долларни ташкил қилмоқда.



Марғилон шаҳрида, Ўзбекистон, Бағдод, Тошлоқ туманларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилги кўрсаткичнинг ярмига ҳам етмайди.

Бир пайтлар саноат бўйича пешқадмлардан бири бўлган Фарғона ҳозир республикада 12-ўринга тушиб қолгани кўрсатиб ўтилди. Саноат салоҳияти етарлича ишга солинмаяпти. Мисол учун, биринчи ярим йилликда саноат ҳажми Тошлоқда 17, Қўқонда 3 фоизга, Олтиариқда 1,3 фоизга ва Қувада 1,2 фоизга камайган.

Аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича ҳам аҳвол яхши эмас. Жорий йилда вилоятда қурилиши режалаштирилган 212 та уй-жойдан бугунги кунгача 42 таси фойдаланишга топширилган, холос.

Вилоятда хизматлар соҳаси ривожини ҳам қониқарли эмас.

Умуман, вилоятда 2022 йилнинг олти ойида фаолиятини тўхтатган корхоналар сони 2,5 мингтани ташкил қилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 14,5 мингга етган.

Йил бошида республика бўйича 60 та туман тўртинчи ва бешинчи тоифаларга киритилиб, уларни иқтисодий ривожлантириш бўйича алоҳида дастур бошланди. Фарғонада ушбу тоифаларга кирган Фурқат, Езёнов ва Сўҳдаги тадбиркорлар ўтган олти ойда 30

миллиард сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Лекин мазкур туманларда натижа кўринмаяпти. Аҳвол яхшилашни ўрнига, улардаги тадбиркорлар тушуми ўтган йилга нисбатан камайиб кетган.

Саноат зоналарида катта майдонлар бўш турганлиги, вилоятдаги 19 та туман ва шаҳар ҳокимлари уларни тадбиркорларга таклиф қилиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланмаётгани танқид қилинди.

– Шунча бўш жойлар туриб, ҳокимлар саноат зоналари учун қишлоқ ерлари тоифасини ўзгартириш бўйича мурожаат қилишдан чарчамаяпти. Энг ачинарлиси, вилоятда ишлаб чиқариш бўлган давлат объектларини хусусийлаштириб, улар ўрнида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриб юбориш ҳолатлари бор, – деди давлатимиз раҳбари.

Бош прокуратура, Кадастр агентлиги бундай ҳолатларни текшириб, қонун устуворлигини таъминлаш топширилди. Бундан буён, саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар тоифасини ўзгартириш бўйича қарорлар фақат Ҳукумат комиссияси розилиги билан амалга оширилиши белгиланди.

Деҳқонларга экин ерларини ижарага бериш ишлари ҳам номига ташкил қилинган, яшаш жойидан ёки сувдан узоқ ерлар ажратилаётгани кўрсатиб ўтилди. Ўтказилган сўровлар натижа-

сига кўра, 32 фоиз ер эгаларига туман ҳокимлиги томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаган. Инфляцияни жилловлаш, бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар ҳам қониқарсиз экани қайд этилди.

Фаолиятидаги жиддий камчиликларини, ишларни лозим даражада ташкил этмагани учун вилоят, шаҳар ва туманлар даражасидаги бир қатор раҳбарлар лавозимидан озод қилинди.

Вилоятнинг ишга солинмаган имкониятларини аниқлаш ва уларни рўёбга чиқариш бўйича ҳар бир туман ва шаҳарга республикадан масъуллар бириктирилган. Улар томонидан 2 миллиард долларлик кўшимча захира-лар аниқланган ва тадбиркорлар билан учрашиб, лойиҳалар шакллантирилган.

– Агар ҳокимлар вақт ажратиб, тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг дардига қулоқ солса, ташаббусларини тингласа, вилоятдаги туманларнинг барчаси йил якунига қадар бемалол камида 100 миллион доллардан инвестиция жалб қилиши мумкин, – деди давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбари Қува ва Бешариқ туманлари мисолида ушбу имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Президент Фарғонада бошланган ушбу тажрибани барча ҳудудларда йўлга қўйиш учун йил якунига қадар сафарбарлик эълон қилди. Ҳар бир туман учун йил якунига қадар 100 миллион доллардан инвестиция жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Минимал истеъмол харажатлари миқдори 500 минг сўмдан 570 минг сўмга оширилгани сабабли Фарғонада яна 9 минг оила камбағал тоифасига қўшилди. Шу боис, мутасаддиларга ушбу оилаларнинг ҳар бирига ҳоким ёрдамчиларини бириктириб, уларнинг даромадини ошириш чораларини кўриш топширилди.

Фарғонада аҳолига деҳқончилик учун аукционга чиқарилиб, талабгор аниқланмаган 1 минг 157 гектар экин ерларини аҳоли учун қулай ҳудудларга алмаштириш, бу ерларда камида 15 минг иш ўрни яратишга кўрсатма берилди.

Йиғилиш якунида ҳудуд ва соҳалар раҳбарлари ҳисобот берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Таълим муассасаларида:

ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАНЯПТИ (МИ?)

Фарғона тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга жиддий эътибор берилляпти. Бу йўналишдаги фаолият қуйи таркибий тузилмаларгача назоратга олинган ва мониторинг ўрнатилган.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган алоҳида тузилма шакллантирилди. Бўлим қошида мурожаатлар билан ишлаш учун замонавий талаблар асосида шароитлар яратилди, қабулхоналар ташкил қилинди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қайд этиш ва уларни масъулларга йўналтириш бўйича мутахассис Сарвиноз Мавлонованинг таъкидлашича, мурожаатларни кўриб чиқишда тезкорликни таъминлаш, бюрократик тўсиқларга барҳам бериш мақсадида муаммоли ва ечимини топмаган масалалар бўйича камида 10 кун муддат вақт берилиб, ариза, таклиф ёки шикоятларни ҳудуднинг ўзига чиқиб ўрганиш ҳамда мазкур вазият юзасидан тегишли тартибда далолатнома тузиш тартиби жорий этилган.

Шунингдек, мурожаатларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида ижобий ҳал этиш мақсадида жойларда сайёр қабуллар ўтказилмоқда. Бу орқали халқ билан янада яқинлашувга эришилиб, масалаларнинг аниқ таҳлили вужудга келмоқда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар мактабгача ва мактаб таълими бўлимига жисмоний ҳамда юридик шахслардан 50 дан зиёд мурожаат келиб тушди. Уларнинг аксарияти фарзандини мактабгача таълим ташкилотига имтиёзли равишда жойлаш ёки бир таълим муассасасидан бошқасига кўчиришдир.

"Е-назорат" дастури орқали келиб тушган мурожаатлар онлайн тарзда назорат қилинмоқда. 2023 йилнинг 1-чорагида жами 100 та мурожаат келиб тушди ва назоратга олинди.

Мурожаатларнинг асосий қисми электрон кўринишда, шунингдек, ёзма ва оғзаки мурожаатларни ташкил этди. Айримларига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ҳуқуқий тушунтириш берилмоқда. Бўлимга бевосита тааллуқли бўлмаган масалалар ҳам борлиги боис, рад этилган ва қаноатлантирилмаган мурожаатлар ҳам мавжуд.

Туман тиббиёт бирлашмасида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш борасида "call centre" фаолият юритмоқда.

– Мурожаатчилар билан очиқ ва самимий гаплашиш, уларнинг дардини эшитиш билан бир қаторда, тиббиёт бирлашмасига келиб тушаётган ҳар бир мурожаатни эътиборга олиб, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, ҳал этиш ва бу йўналишда сусткашлик, бепарволик, интизомсизликка йўл қўйган масъул шахсларга муросасиз бўлиш, интизомий жазо муқаррарлигини таъминлаш бирлашма фаолиятида муҳим ўрин тутди, – дейди бош шифокор Исроилжон Абдумаликов.



Жорий йилнинг 6 оyi давомида бирлашмага келиб тушган ариза, шикоят, таклифларнинг 65 таси оғзаки тарзда бўлса, 90 таси электрон ва 20 га яқини ёзма мурожаатларни ташкил этмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 5 та оилавий поликлиникада шифокор мутахассис етишмаслиги бор гап. Аҳоли аксарият ҳолларда шу каби муаммолардан азият чекмоқда ва уларнинг ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда. Бундай масалалар тегишли тартибда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига кўриб чиқиш ва ижобий ҳал этиш учун юборилмоқда.

Ўтган йилда "Кончилар" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисидан мурожаат келиб тушди. Унда бу ҳудудда оилавий поликлиника йўқлиги, тиббий кўрик учун туман марказига бориш кераклиги, бу эса, айниқса, кексалар ва ёш болаларга аёлларга бир қанча қийинчилик туғдираётгани баён этилган. Мазкур мурожаат асосида ва Фарғона тумани ҳокимлигининг амалий ёрдами билан янги оилавий поликлиника қад ростлади.

– Бир ярим ёшли неварамнинг туғма юрак нуқсони бор. Туман тиббиёт бирлашмасига ёзма шаклда тиббий ва моддий ёрдам сўраб қилган мурожаатим ижобий ҳал этилиб, "Саховат ва кўмак" жамғармасидан икки мартаба 5 миллион сўмдан пул ажратилди, – дейди Мухайё Мамажонова.

Туман тиббиёт бирлашмасига соҳа ходимларининг хизмат жараёни билан боғлиқ хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб йўлланган мурожаатлар ҳам бор. Аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган бу каби аризаларнинг ижобий ҳал этилишига эришилмоқда.

Муаттар МАҲМУДОВА,
"Фарғона ҳақиқати" муҳбири.

МУСИҚИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

Фарғона "Мурувват" ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйида "Ёз — ўтмоқда соз" мавзусида муסיқий-бадий кеча бўлиб ўтди.

Ёзги фаслини мазмунли ва қувноқ ўтказиш мақсадида ташкилланган тадбирда Фарғона туманидаги 25-сонли муסיқа ва санъат мактабининг иқтидорли ўқувчилари иштирок этиб, миллий ва замонавий чолғу асбоблари ёрдамида қувноқ куйларни чалиб беришди, болаликни тараннум этувчи қўшиқлар ва гўзал рақсларни ижро этдилар.

Муסיқий-бадий тадбир тарбияланувчилар қалбига кўтаринки кайфият бахш этди.

Барчиной БОТИРОВА,
Нигора ИБРАГИМОВА.

ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ НАЗОРАТ ОСТИДА

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, эмлашдан бош тортганлар ҳисобига, 2023 йилда дунёда ва Европа минтақасида қизамиқ бўйича эпидемиологик вазият кескинлашди.

Айни пайтда Украинада 23 070, Сербияда 4 954, Францияда 2 576, Грецияда 2 476, Италияда 2 020, Россияда 1 396, Грузияда 1 128 ҳолатда қизамиқ касаллиги қайд этилган.

Қўшни мамлакатлар Афғонистонда 2023 йилнинг ҳозиргача бўлган даврида 2 105 ҳолатда, Тожикистонда эса 300 дан ортик, Қозоғистонда 169 та ҳолат қайд этилган.

Республикаимизда жорий йилнинг июль оyi ҳола-

тига кўра, қизамиқ касаллигига шубҳа қилинган 306 нафар беморнинг қон намуналари вирусологик лабораторияга юборилган. Улардан 164 тасида қизамиқ аниқланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда касалланиш ҳолатлари асосан хориждан келган қизамиқ билан касалланганлар билан алоқада бўлган фуқаролар орасида аниқланмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда қизамиқ бўйича эпидемиологик вазият назорат остида бўлиб, касалликка шубҳа қилинган шахслар билан алоқада бўлганлар эпидемиологик кўрсатма асосида профилактик эмлаш билан қамраб олинмоқда.

ЎЗА.

№7

Мамлакат ЖЎРАЕВА:

БИЗ ПРЕЗИДЕНТДАН
РОЗИМИЗ!

– Президентнинг битта чиройли гаплари бор, халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади, деган. Ҳақиқатан ҳам халқ Президентдан рози. Тану жонлари соғ, умрлари узоқ бўлишини тилаймиз, – дейди Наманган вилояти, Косонсой туманининг Узун қишлоғидан бўлган Мамлакат Жўраева.



ҳам ишлаб чиқяпмиз. Унга 47 миллиард сўм ажратилиши кутилмоқда.

Косонсой аслида саноати ривожланган, аҳолиси уста деҳқон, боғбон, миришкор инсонлар. Ҳозир ҳар қадамда ободончиликни кўрасиз. "Намуна" маҳалласи ҳам энди номига мос маъно касб қилмоқда. Илгаричи, дерсиз...

– Илгари қийинчилик кўп эди. Эски ёғоч устунларидаги тартибсиз симлар шамолда бир-бирига тегиб, чироқ тез-тез ўчарди. Ҳозир улар янгиланди, хурсандмиз. Бундан ташқари, кўчамиз асфальтлаштирилди, – дейди шу кўчада яшовчи Икромжон Исмоилов.

Шу кунларда тегирмон навбати "Намуна" маҳалласига келгани рост эди. Қуввати 400 кВт бўлган 2 та янги трансформатор келтирилди. 2 километрга бетон устунлар ўрнатилиб, қуввати юқори сим тортилди.

– "Намуна" маҳалласида узилишлар кўп бўларди, аҳоли эътирозлари ҳисобга олиниб, янги трансформатор ўрнатдик. Энди авариялар олди олинди ва аҳолига электр етказиб бериш узлуксизлиги таъминланди, – дейди Косонсой тумани электр тармоқлари бўлими бош муҳандиси Шокиржон Худойназаров.

Туманда жами 10 та янги трансформатор ўрнатилди ва 22 километр тармоқ тортилиб, фойдаланишга топширилди.

– Бундан ташқари, бу йил 408-қарор бўйича туманда 14 километр тармоқ қуриш ва 15 та янги замонавий трансформаторлар олиб келиб ўрнатиш режалаштирилган, – дейди Шокиржон Худойназаров. – Ҳозир 7 та манзилда таянч устунларини алмаштириш ишлари амалга оширилиб, ўша жойларга трансформаторлар ўрнатилмоқда.

Энди яна Муҳаббат опа яшайдиган Узунқишлоққа қайтсак. Бу ерда ҳам Наманганнинг барча қишлоқларидаги манзарани кўрасиз. Махсус техникалар хандақ қазиб, бетон устунлар ўрнатяпти. Бугун-эрта чириб, синиб кетай деган ёғоч устунлар олиб ташланади. Электр симлари янгиланади.

– Симларнинг очиқлигидан хавотирда эдик. Чунки, уларда баъзида тутатиш ҳолати рўй бериб узилиб тушарди. 60 та хонадонга мўлжалланган трансформатордан 150 хонадон фойдаланиб келаётганди. Қишда қуввати жуда пасайиб кетарди. Умуман аҳвол оғир эди. Бу трансформатор ўрнатилгач, умид қиламизки, энди кир машина-миз, музлатгичимиз, электр печларимиз ишлайди, – дейди Мамлакат Жўраева.

Ҳа, республикамизда кеч бўлса-да, ҳар бир инсон учун муносиб яшаш шароити яратиш устувор вазифага айланди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.



Чунки у ва унинг ҳамқишлоқлари Президентнинг эл тилида машҳур бўлган 408-сонли "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросидан мамнун. Қувонмай бўладими, ахир. Улар шу ерга 1990 йилда уй-жой қурганлар. Шундан буён на тоза ичимлик суви тармоғи тортилди, на кўчалар асфальтланди, на рисоладаги электр таъминоти бўлди. Аслида бу каби қишлоқ, маҳалла, кўчалар Ўзбекистон деб аталмиш мамлакатимизнинг барча ерида бор экану...

Келинг, бугунги вазият ҳақида гаплашайлик. Наманган вилоятида...

– Вазирлар Маҳкамасининг 346-қарорига асосан 256 километр паст кучланишдаги электр тармоқларини модернизация дастури тузилди. 133 та трансформатор ўрнатилади. Жами 27 миллиард сўм маблағ ажратиб берилди, – дейди "Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ бош муҳандиси Тўлқинжон Муллажонов. – Бу, биринчи босқич. Иккинчи босқич лойиҳаларини

ВОЗНИ
ВОДИ

Шундайлар бор бўлсин дунёда

Данғара шаҳарчасидаги тўрт маҳалла фуқаролар йиғинининг бири “Пишқарон” номи билан аталади. Қадимий ва айни чоғда ёшариб бораётган обод маскан. Бундан тўрт йил аввал маҳалладошлар Манзураҳон опа Солиевани маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайлашди.

ГУЛЛАЁТГАН УМР ДАРАХТИ

ёки кайвони онахон суратига чизгилар

Манзураҳон опа ёшлардек серғайрат, маҳалла тинчлиги, обод ва фаровонлиги, оилалар тотувлиги учун ором билмайди. Турмуш аччиқ-чучугини тотган инсонлар каби мулоҳазали, етти ўлчаб бир кесадиган аёллар тоифасидан.

Маҳалладаги ҳар бир оиланинг аҳволини беш қўлдек билгани, уларнинг иссиқ-совуғидан бохабарлиги, зарур пайтда йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб, адашгани тўғри йўлга сола билиши боис, уни “Маҳалланинг онахони” дейишади.

Яқинда ажралиш бўсағасига келиб қолган оилани тиклади. Ҳозир эр-хотин аҳил-иноқ яшайпти, болалар бахтиёр. Онахоннинг кўнгли энди таскин топиб турувди ҳамки, бошқасида нотинчлик бошланди.

– Юртгарчилик экан-да, шунақа воқеалар ҳам бўлиб туради. – дейди у. – Жаҳл отига миниб турган одамни фикрдан қайтариш, оилани тиклашга ундаш беҳуда. Бироз вақт ўтиб, лойқа сув тинади, оиланинг, эр ёки хотиннинг қадри билинади, фарзандлари кўз олдида келади, уларнинг тақдирини ўйлайди. Турмушини тиклашга ҳар иккисидан ҳам мойиллик пайдо бўлади. Ана унда насиҳат қулоғига қиради.

Опадаги узоқ йиллик ҳаётини тажриба, одамлар кўнглига йўл топиш сингари фазилатлари унга эл-юрт орасида ҳурмат келтирди. Гапини икки қилишга, насиҳатига қулоқ тутмасликка ҳеч ким ботинмайди. Бундайларни халқ орасида кайвони, дейишади.

Унинг қирқ беш йиллик умри далада ўтди. Сув келса симирди, тош келса кемирди. Бригадада ҳисобчи, ёшлар бригадаси бошлиғи, ширкат раиси бўлиб ишлади. Тонг ёришмасдан, эл оёғи тингунча даласидан бери келмади. Тонна-тонналаб пахта, дон, пилла етиштирди, сабзавот экинлари экди. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент кишлоқ хўжалиги институтининг Фарғона филиалида ўқиди. Манзураҳон опанинг кечаги ва бугунги деҳқон, деҳқончилик, фермерлик афзалликлари ҳақидаги мулоҳазаларини тинглаш мароқли.

– Ҳа, у замонларда биз фақат ҳосил етиштиришни, пунктга топширишни, қисқаси меҳнатни билардик, холос. Қолгани билан ишимиз бўлмаган. Ҳатто иқтисодий манфаат билан ҳам. Декабрнинг



охиригача пахта териларди. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг кеч кузақда, қорли-қировли далада дилдираб, этак судраб юришларига тоқат қилиб бўлмасди...Шукур, эмин-эркин деҳқончилик қилинадиган кунларни ҳам кўрдик. Ҳозир фермерларнинг эрки ўзида, манфаатдорлиги юқори.

Мажбурий меҳнатга батамом барҳам берилган. Шунисига хурсандман. Деҳқончилик маданияти жуда юксалиб кетди. Эрта пишадиган, ҳосилдорлиги юқори, толаси сифатли пахта навлари яратилди. Октябрь ойига қолиб-қолмасдан пахта йиғиштириб олинди.

Бугунги фермер кўп тармоқли илмга эга бўлиши керак. Илмга асосланган деҳқончилик унинг бирини икки қилади. Фермерлик кенг қамровли касбга айланди. У иқтисодни ҳам, бухгалтерия, кимё-биология, агрономия, ирригация, механизация, чорвачилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳаларининг ҳам билимдони бўлиши керак. Олийгоҳларда бу соҳалар алоҳида-алоҳида ўқитилади, менимча, буларнинг барчасини жамлаб, илм берадиган фермерлар тайёрлаш факультетлари очилса яхши бўлармиди?! Пахтани машинада теришни йўлга қўйиш керак. Бу – деҳқон меҳнатини янаям енгиллаштиради, – дейди у.

Колхоз, совхоз, ширкатлар тугатилгач, Манзураҳон опа “Солиев Носиржон” фермер хўжалигини ташкил этди. Пахта ва дондан юқори ҳосил олиб, Данғара туманидаги илғор фермерлардан бирига айлан-

ди. “Пишқарон” маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайлангач, фермер хўжалигини ўғли Ўктамжон Ҳайдаровга топширди. Фарзандининг ишларидан опанинг кўнгли тўқ. Бу йил ғалладан 70 центнердан ҳосил олди. Пахтадан 50 центнерни мўлжаллаб турибди. Шартнома режасидан ортган дон ўзига қолди, маҳалладаги муҳтож, кам таъминланган оилаларга тарқатди. 5 гектар ерда сабзавот экинлари етиштиряпти.

Маҳалла раиси ташаббуси билан фуқаролар йиғинининг янги биноси тадбиркорлар ҳомийлигида қуриб битказилди. Замонавий бинода маҳалла бешлиги – раис, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори учун алоҳида хоналар, ошхона ва кутубхона, “Аёллар маслаҳат маркази”, фитнес клуб жойлашган. Барча хоналар пол остидан иситилади.

– Маҳалламиздаги 860 та хонадонда 4069 нафар фуқаролар истиқомат қилади. Аҳоли асосан қандолатчилик билан шуғулланади. Новвот тайёрлаб, Қўқон шаҳри ва туманлар бозорларига, қўшни вилоят ва республикаларга чиқариб сотадиган новвотпаз оилалар жуда кўп. Шу касб ортидан фаровон яшайди. Томорқадан самарали фойдаланиш борасида маҳалламизда яхши тажриба тўпланган. Албатта, кам таъминланган оилалар ҳам йўқ эмас – 4 та. Улар маҳалла эътиборида. Анваржон Исмоилов иккинчи гуруҳ ногирони. Икки фарзанднинг отаси. Бу оилага 2 хонали уй қуриб

берилди. Азизаҳон Аҳмедова 1 нафар боласи билан турмушидан ажраган. Ҳомийлар ёрдамида унинг уйи мукамал таъмирланди.

Анваржон ва Азизаҳон маҳалла раиси ва фаолларидан беҳад миннатдор бўлиб:

– Шундай яхши, меҳрибон одамлар орасида яшаётганимизга, давлатимизда инсон қадри юксалаётганига шукур. Маҳалламизнинг янада гуллаб-яшнашига, тинч-тотув ҳаётига, давлатимиз ривожига қўлимиздан келганча ўз ҳиссамизни қўшамиз, – дейишди.

Пишқаронда тунукасозлар, чеварлар, иссиқхона илми билимдонлари бўлган миришкорлар ҳам оз эмас. Жўрабой Йўлдошев лимон етиштиради. Муҳаммаджон Мелиқўзиев лимон, мандарин қўчатларини тайёрлаб, туман ва қўшни вилоятларга етказиб беради. Раиса опанинг келини Олимаҳон Ҳайдарова маҳалланинг қўли гул чеварларидан.

Манзураҳон Солиеванинг умрини гуллаётган дарахтга ўхшатгинг келади. Турмуш ўртоғи Набижон Ҳайдаров билан бир ўғил ва бир қизни тарбиялаб, халқ хизматига камарбаста инсонлар қилиб вояга етказишди, уйли-жойли қилишди. Тўнғич набираси Носиржон Набиев Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 3-курсда таҳсил олмақда. Уч ўғил, икки қиз набиралар умр дарахтининг ширин-шаккар мевалари каби уларнинг орзу-умидларидир.

Боғбон ҳар бир туп ниҳолни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, унибўйиши, сархил мевалар бериши учун тиним билмагани каби Манзураҳон опа ҳам умр бўйи шу ниҳоллар деб яшамоқда, маҳалла ёшларининг бахту камоли, оилалар тинч-тотувлиги, юрт ободлиги учун фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Шоирнинг:

*Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл
деган сатрлари худди Манзураҳон
Солиева сингари аёллар ҳақида
битилгандек.*

Шуниси ҳақиқатки, уларнинг умри ҳар баҳорда чаман-чаман гуллайверади...

**Абдужалил БОБОЖОНОВ,
“Фарғона ҳақиқати” махсус
мухбири.**

“БОҒЛАР ОРАЛАБ КЕЛАМАН, ГУЛЛАР САРАЛАБ КЕЛАМАН”

ёки Бумайрам опанинг инсонни эзгуликка чорловчи гўзаллик дунёси

Учкўприкдан Бағдод туманига киришда, йўлнинг ўнг қирғоғидаги гўзаллик дунёсига кўзингиз тушганми? Оқ, пушти, сафсарранг, сариқ. Қўйингки, турфа рангларда қанот ёзган манзарали ва тувак гулларини кўрган инсоннинг баҳри-дили очилади. Бир муддат бу ерда тўхтаб, гулларни томоша қилмай ўтиб кетишнинг иложи йўқ, гул кўтариб кетаётган ёки машинасига ортаётган харидорлар орасида оддий уй бекасидан тортиб, таниқли кишиларгача бор.

Бумайрам опа Ҳасановани бағдодликлар “гулчи хола” деб чақиришади. Гулларнинг элликка яқин турини парваришлаб, мўъжазгина дўконига савдога олиб чиққан. Гуллар водийдан тортиб воҳага, қўшни Қирғизистон-у, Тожикистон Республикасига ҳам етиб борган. Гулларнинг чаман-чаман очилиб, кўрганга завқ бериб, атрофга софлик, самимийлик улашаётганидан хабар топдигу, опа билан яқиндан танишиш ниятида Бағдодга йўл олдик.

Бумайрам опанинг асл касби алоқачи. Турмуш ўртоғи Номозали ака эса устачилик билан шуғулланган. Опанинг айтишича, ўғли Қиличбек мактабда тушлик учун берилган пулларига тувакда гул сотиб олар экан. Ўғил бола бўлса, футбол тўпими, шахмат ёки шашка сотиб олса бошқа эди, уни ҳадеганда гул кўтариб келишига она ҳайрон бўлган. Бироқ гулга шайдолик Қиличбекни ўзига тортиб борарди. У тобора хонадонини эгаллаб бораётган гулларни парваришлаш, кўпайтириш ҳақида ўйларди. Шу боис, гулчилик сир-синаотини ўргана бошлади.

Кўп ўтмай “Ултарма” маҳалла фуқаролар йиғинининг Жар қишлоғида жойлашган хонадонда гулчиликка

ихтисослашган, 7,5 сотихдан иборат иккита иссиқхона қад ростлади. Қиличбекка “ҳорма болам” дея ота-онаси кўмакчи бўлди.

Оила жам бўлиб тупроққа эгилди, униб чиққан ҳар гиёҳга, чечакка меҳр беришди. Гулларнинг турини кўпайтиришди, кўчатларини сотувга олиб чиқишди, озми-кўпми даромад кела бошлади. Аҳолидан, корхона-ташкilotлардан бўлаётган буюртмалар кўпайгандан кўпайди. Бумайрам опа бунинг ҳам йўлини топди, қўшнилари-нинг экиндан бўшаган ерларига ҳам гул уруғларини сепди, кўчатларини ўтказди. Энди гулга келувчилар Бумайрам опани излаб қишлоқ ора-ламайдилар, опа катта йўл ёқасига шинамгина гул дўкони ташкиллади. Бу дўкон 24 соат очик.

Опа билан мана шу жойда суҳбат қилдик. Саволларга жавоб бериш баробарида савдо ҳам қизиди. Номозали ака ва Бумайрам опанинг қўли-қўлига тегмайди. Харидорлар айтган гулларни саралайди, уни парваришлаш йўлини айтади, иссиқ-совуққа чидамлилиги-га, албатта сотиб олувчининг дидига



қараб, гултуваклар тавсия қилади.

— Бир кун шу ердан ғизиллаб ўтиб бораётган машина тўхтаб, вилоят ҳокими тушиб келди. “Ҳорманг опа, деб мен билан саломлашди, гулларни томоша қилди. Ишимизга ривож тилаб, фаолиятимизни янада кенгайтиришимизни маслаҳат берди. Хурсанд бўлдик, энди каттароқ ер майдони бўлганида эди, яна иссиқхоналар қуриб, гул кўчатлари турини кўпайтирар эдик, — дейди гулчи опа.

Сентябрь ойида Қўқон шаҳрида ўтказиладиган халқаро хўнармандчилик фестивали ҳудудини безатиш учун 20 минг туп гул кўчатига буюртма олган. Яна аллақанча таълим муассасалари, тиббиёт масканларига куз гуллари кўчатларини етиштириш учун шошил-япти. Вақт тифиз, ҳаво ҳарорати жуда иссиқ. Харидорлар ишончини оқлаш зарур. Номозали ота, Қиличбек, қизи Мунисахон, келини Махлиёхон опанинг ёнида елкадош. Қўни-қўшнилари

айтмайсизми?! Улар ҳам вақт топди дегунча кўмакка шошадилар.

Туманда Бумайрам опа тажрибасини ўрганишга иштиёқманд хотин-қизлар кўпчиликини ташкил этади. Шу сабаб ҳам хонадонидан келиб-кетувчиларнинг қадами узилмайди. У эса гул гўзаллигидан завқланиш билан иш битмаслиги, ҳар чечакни севиш, керак бўлса боласидай ардоқлаши зарурлигини таъкидлайди.

Туманда ўтказилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги “Аёллар яшил макон учун” акцияси иштирокчилари тадбиркор аёл — Бумайрам Ҳасанованинг хонадонидан ҳам бўлишиди. “Гулчи опа” уларга хотин-қизлар тадбиркорлиги, ҳовлисида етиштираётган гуллар навини экиш ва парваришлаш сирларини ўргатди. Маҳалладаги 6 нафар хотин-қизларни доимий иш билан таъминлади. 2021 йилда “Намунали томорқачи” кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Шеплера, фикус, қора шаҳзода, томоша, зебра, агава, герань, монстера, банджами... Булар Бумайрам опа етиштираётган гулларнинг бир қисми. Алоэ гули табобатда ҳар хил яра ва мушакли аъзолар шишларини даволашда қўлланиш билан бирга, хонани кислородга тўйинтиради. Манзарали лимон баргида эса 85 турдаги фойдали моддалар мавжуд. Фикус хонани кислород билан таъминлайди, намлантиради ва токсинлардан бартараф қилади.

Унинг айтишича, гуллар яхшигина даромад манбаи. Оиланинг асосий даромади гулчиликдан. Рўзгорнинг бутлиги, уй-жой, автомашина, тўй-тўйчиқлар, сайру саёҳатлар, кўтаринки кайфият оила аъзоларнинг ҳамжиҳатлигидан, ишбилармонлигидан дарак. Бумайрам опа машаққатли меҳнати, самимий муомаласи ортидан кўплаб инсонларни гулга ошно этди.

Бумайрам Ҳасанова каби камтар ва меҳнаткаш инсонлар қафтида кўз очаётган, атрофга гўзаллик, хушбўй ифтор таратаётган гулу чечаклар кўнгилларга завқ улашиб, сизу бизни ҳамisha яхши ва эзгу ишларга чорлайверади.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.



2021 йилда Фарғона шаҳар, Марғилон кўчаси, 46-уйда жойлашган собиқ “Нефтчи” маданият уйи вилоят маданият бошқармаси тасарруфидан Фарғона шаҳар ҳокимлигининг маданият бўлимига бириктириб берилди. Муҳташам бино қисқа вақт ичида мукамал таъмирланди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 3,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳозирда маданият маскани турли миллат ва элат вакиллари учун “Дўстлик уйи” сифатида фаолият юритмоқда.

МИЛЛАТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ



Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни сақлаш ҳамда ривожлантириш давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган сиёсатнинг асосий тамойилларидан биридир. Шу жумладан, миллий маданий марказларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор кўрсатилаётганига ушбу “Дўстлик уйи”нинг ташкил этилгани ёрқин намунадир. Бу ерда вилоятда фаолият олиб бораётган миллий маданий марказлар учун хоналар ажратилган, тўғарақлар ва турли тадбирлар ташкил этиш учун концерт зали замонавий кўринишга келтирилган.

“Дўстлик уйи” славян, тожик, қирғиз, турк, яҳудий, татар, немис ва корейс миллий маданий марказларни нафақат бир ерга жамлади, балки миллатлар ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлади.

— Азал-азалдан қондош-қариндош ўзбек ва тожик халқининг бир-бирига меҳри осмон қадар баланд, улар гўёки кўз билан қош, эт билан тирноқдир. Вилоятимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан бир қаторда, тожик миллатига мансуб фуқаролар Ўзбекистонни она Ватан, қадрдон маскан деб биладилар ва мана шу юртда ягона оила бўлиб, аҳил ва иноқлик билан умргузаронлик қилмоқдалар. Улар Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамлар, муҳим саналар муносабати

билан ўтказилаган тадбирларда, дўстлик кечалари, таниқли шоирлар, ёзувчилар, турли касб эгалари билан учрашуларда фаол қатнашмоқда. Миллий либосларда ўз тилларида қўшиқ ижро этадилар, — дейди тожик миллий маданий маркази раисининг муовини Камолиддин Азизов. — Бир сўз билан айтганда, икки халқнинг азалий анъаналари, қадриятлари, маданияти, санъати, меҳмоннавозлигича бир-бирига ўхшашдир. Жорий йил бошида Сўх тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Қирғизистон Республикасининг чегарадош туманида уч халқ фуқаролари билан дўстлик учрашуви ташкилланди. Шунингдек, Фарғона давлат университети филология факультетида таниқли тожик шоири Лоиқ Шерали таваллудининг 82 йиллигига бағишланган “Адабиёт дўстлиги — халқлар дўстлиги” мавзусида халқаро маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда ўзбек ва тожик адабиётшунос олимлари иштирок этди.

Жаннатмонанд Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини, турли тилларда сўзласалар ҳам дилдошлигини юртимизда кечаётган янгиланишлар ва бунёдкорликда, тараққиётда кўраямиз. Уларнинг қалбида, юз-кўзида осуда отган тонглар шукронаси, эртанги кунга ишонч, бугунги ҳаётдан мамнунлик, фахру ифтихор туйғуси барқ урмоқда.

М. УСМОНАЛИЕВА.

Ибрат

ОНАМНИНГ КЎЗИДА ЁШ КЎРМАЙ ДЕБ...

Бу таъсирчан ҳаётий воқеани Қўштепа тумани, “Қийқи” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Маъмуржон Мамажонов сўзлаб берди.

“...Кечки пайт онамни олиб келгани ишхонасига борардим. Болалар боғчасида ишларди. Тунлари деярли ухлამас, жажжи болажонларга кундалик янги режа, ўйинлар тузар, турли нарсалар ясарди. Маоши ҳаминқадар бўлса ҳам, кичкинтойларни рағбатлантириб, қувонтириш учун совғалар сотиб олар ва улашарди. Ўз устида ишлайдиган масъулиятли, етук педагог бўлишига қарамай, ўша кун мудирадан оғир гаплар эшитгани боис, йиғлаб ўтирган вақтида мен бориб қолдим. Фарзанд учун онасининг кўз ёши, камситилганини кўришдан оғирроқ нарса бўлмаса керак. Шу кун ўзимга сўз бердим...”

Онам айримлардек ҳаётдан нолиб, вақтини беҳуда сарфламади. Биз уч фарзанд талаба эдик. Мен Россияда, синглим Наманганда, укам коллежда таҳсил оларди. Мусофирлигим, моддий қийинчиликлар, айниқса, онаизоримнинг эрта-ю кеч ҳам коллежда, ҳам рус тилидан қўшимча дарс бериб, тинмай ишлаётгани мени хавотирга соларди. Бизни деб ўзи ейишига нони қолмаган пайтлари ҳам бўлган. Шунда ҳам тишини-тишига қўйиб чидаган.

Тўнғич фарзанд бўлганим учун йилдан-йилга елкамдаги масъулият кучи ортиб бораверарди. Бегона юртда яшаш осон эмас, аслида. Шунинг учун кундузлари ўқиб, кечаси билан ишда бўлардим. Кўпи билан 3-4 соат ухлардим. Бундан ташқари, вазибаларим ҳам талайгина. Стол теннисини яхши ўйнаганим сабабли турли мусобақаларда фахрли ўринлар соҳиби бўлдим.

Вақт шафқат қилмай ўтиб бораверди. Бу орада ўқишни тамомлаб, икки йил ишладим,

чунки уйга қуруқ қўл билан қайтишни хоҳлამасдим. Сўнгра ёшларга ёрдам бериш, билимимни бўлишиш учун она юртимга қайтдим.

Мана бугун давлат шерикчилиги асосида боғча очганман. Ҳозирда иккита гуруҳда эллиқдан зиёд болажонлар тарбияланяпти. Онам рус тили ва ментал арифметикадан, турмуш ўртоғим инглиз тилидан, синглим немис тилидан сабоқ беради. Ишлаш ниятида юрган опа-сингилларимиз тарбиячи, энага ва ошпаз бўлиб ишляпти. Насиб қилса, муассасамизни янада кенгайтирамиз. Ҳозир 12 нафар ходим ишлаётган бўлса, келгусида иш ўринлари икки барабар кўпаяди. Қолаверса, ўша кун ўзимга берган ваъда — боғча очиб, онам олдидаги фарзандлик бурчимни адо этаётганимдан хурсандман...”

Малакали педагог, меҳрибон она, матонатли ёр Садоқат опа дилбандларига ҳар соҳада ўрناق бўлгани боис, ўғли ҳам ўзи каби фидойи. Маъмуржон Мамажонов “Қийқи” маҳалла фуқаролар йиғинида бир йилдан беш йилга лавозимда ишлаб, ёшларни ўз қизиқишлари бўйича касб-ҳунарга йўналтирмоқда, уларнинг турли ютуқларга эришишлари, яхши бир касб эгаси бўлишларига кўмак бермоқда. Қанийди, бугун ота-онасини арзимас сабаблар билан ранжитаётган, уларга ҳатто жаҳл қилиб, бақириш даражасига бораётган ёшлар Маъмуржон каби она ризоси учун интилаётганлардан ибрат олишса.

Гулшаной АЛИЖОНОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази ДМ Фарғона вилоят бошқармаси

2023 йил ҳосилидан уруғлик ғалла етиштириш бўйича ғалла уруғлиги билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ўртасида

Тендер танловини эълон қилади.

Тендер танлови 2023 йил 15 июлдан 15 августга қадар ўтказилади.

Танлов комиссиясига ариза ва тақдим этиладиган ҳужжатлар 2023 йил 15 август кун соат 18:00 га қадар туманлар қишлоқ хўжалик бўлимлари биносида

қабул қилинади.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ ШАРТЛАРИ:

1. Вилоятдаги энг илғор фермер хўжаликларида уруғлик ғалла етиштириш амалга оширилади. Уруғлик ғалла етиштириш учун танлаб олинаётган фермер хўжалигида ғалладан мунтазам юқори ҳосил етиштирилган бўлиши керак.

2. Уруғлик ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари экин ерларининг түпроқ унумдорлиги ва мелиоратив

ҳолати яхши, сув билан таъминланиши қулай бўлиши талаб этилади.

3. Фермер хўжалигининг раҳбар ва мутахассислари уруғчилик соҳасида етарли билим ҳамда тажрибага эга бўлиши лозим.

4. Фермер хўжалигининг 2024 йилда уруғлик ғалла етиштирадиган майдони 10 гектардан кам бўлмаслиги керак.

5. Фермер хўжалиги ғалла майдонларига белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ишлов бериш учун етарли техника воситаларига эга бўлиши шарт.

6. Уруғлик ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари уруғлик ғалла етиштириш мажбуриятларига, тендер танловига ҳамда уруғлик ғалла учун устама ҳақ тўлов тартибига риоя қилинишини кафолатлаши шарт.

FARDU AKADEMIK LITSEYI 2023-2024 O'QUV YILI UCHUN QUYIDAGI ISH O'RINLARIGA TANLOV E'LON QILADI

1. Biologiya (o'zbek guruhlarda) – 1 ish o'рни.
2. Matematika (o'zbek guruhlarda) – 0,5 ish o'рни.
3. Matematika (rus guruhlarda) – 1 ish o'рни.
4. Rus tili va adabiyot (rus guruhlarda) – 1 ish o'рни.
5. Geografiya (o'zbek guruhlarda) – 1 ish o'рни.

Arizalar 20 kun ichida qabul qilinadi.

Manzil: Farg'ona shahar, Quvasoy ko'chasi, 17-uy (mo'ljal: "To'qimachi" o'yingohi yonida).
Telefon: (73) 243-58-06.

Шу куннинг мавзuida

Она заминимизда пишиб этиладиган мева, полиз, сабзавот маҳсулотлари рангин жилоси, ширин-шакарлиги, мўлу кўллиги билан кўзларни қувнатади. Агар фарзандларингиз ёнингизда бўлса, мева-чеванинг донасини шошиб оғзига солади. Ҳатто баъзи катталар ҳам нафсининг гапига кириб, мева-чевани ювиб ейиш хаёлидан кўтарилиб, мазасини татиб кўради. Ана шу пайтда ўткир юқумли ичак касалликларининг юқиш йўллари ҳақида етарли маълумотга эга эмасликларини тушуниб етасиз.



ЎТКИР ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ МАВСУМИЙМИ?

Ўткир юқумли касаллик нима? Унга чалинмаслик учун нималарга аҳамият бериш керак? Мазкур саволларга Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси Фарғона вилоят бошқармасининг эпидемиология бўлими мудири Ферузбек Мамадалиев жавоб берди.

– Касаллик кўзгатадиган микроорганизмларнинг ташқи муҳитда сақланиши, кўпайиши, тарқалиши учун омил ва шароитлар етарли бўлгани учун аҳоли ўртасида, айниқса, касал-

ликка мойил инсонларда турли юқумли касалликларга учраш ҳолати тез-тез кузатилади. Микроорганизмлар илиқ-иссиқ шароитларда, яъни кеч баҳор, ёз, куз фаслларида тез кўпаяди.

Касаллик асосан ҳаво ҳарорати юқори бўлган вақтларда қайнатилмаган сувни ичиш, яхши сақланмаган ва узоқ муддат туриб қолган овқатларни, ҳўл мевалар, қовун-тарвузни ювмасдан истеъмол қилиш, санитария-гигиена қоидалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитларига риоя қилмаслик, паразит ҳашаротлар орқали юқади. Шунингдек, шу

касаллик билан оғриган бемор билан мулоқотда бўлганда, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинмаса, белгиланмаган очиқ сув ҳавзалари (ариқлар, фавворалар, каналлар, дарёлар ва ҳ.к.)да чўмилган пайтларда сув билан микробларнинг оғиз орқали организмга тушиши натижасида хасталаниш мумкин.

Касаллик аломатлари умумий ҳолсизлик, қорин соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, иштаҳасизлик, кўнгил айниши, қайт қилиш, ич кетиши, тананинг сувсизланиши, талвасаланиш каби ҳолатлар билан кўзга ташланади.

Агар оила аъзоларингиз ёки иш жойингизда кимдодир шундай ҳолат кузатиладиган бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

Ҳозирги жазирама иссиқ кунларда инсонларда чанқаш кўп кузатилиши табиий. Чанқовни қондириш учун дуч келган жойдаги сувни истеъмол қилиш мумкин эмас. Сувни қайнатилган ҳолда истеъмол қилиш лозим. Яхши сақланмаган, сифати кафолатланмаган ва узоқ вақт туриб қолган овқатлар, ҳар хил турдаги салатларни тановул қилманг. Ёш болаларни кўкрак сути билан боқиш, 6 ойдан кейин бериладиган қўшимча овқатларни тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Пашшалар кўпайиши ва тарқалишига қарши кураш тадбирларини ташкил этиш керак.

Унутманг, ўткир юқумли ичак касалликлари мавсумий эмас. Юқоридаги тавсияларга тўлиқ амал қилиш билангина ўзингиз ҳамда атрофдагиларни юқумли касалликлардан асрай оласиз.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АБИТУРИЕНТЛАРИ СОНИ ОЗАЙДИ

Хабарингиз бор, 20 июль кuni Ўзбекистон олийгоҳларига ҳужжатларни қабул қилиш жараёни якунланди. Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг маълум қилишича, 2023-2024 ўқув йили учун мамлакатимиздаги олийгоҳларнинг бакалавриятга ҳужжат топширган абитуриентлар сони 1 миллион 18 минг кишини ташкил қилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан анча камдир (Давлат тест маркази 2022 йилда 1 миллион 146 минг 744 нафар абитуриент рўйхатдан ўтгани ҳақида билдирганди).

Олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентларнинг 577 096 нафари кундузги, 24 802 нафари кечки, 407 945 нафари сиртки ва 8 164 нафари масофавий таълим шаклини танлаган.

Абитуриентлар энг кўп ҳуж-

жат топширган олийгоҳ Ўзбекистон миллий университети бўлди. Бу нуфузли олийгоҳ 36 782 нафар йигит-қизларнинг ҳужжатини қабул қилиб олган. Тошкент давлат транспорт университети эса 30 421 нафар абитуриентлар ҳужжат топширган.

Вилоятлар ичида Фарғона давлат университети пешқадамлик қилди. Бу олийгоҳда ўқиш истагини билдирганлар сони 29 941 нафарни ташкил қилди. Тошкент давлат педагогика университети эса 28 827 нафар, Қарши давлат университети эса 28 417 нафар абитуриент ҳужжат топширди.

Абитуриентларнинг 890 304 нафари ўзбек, 95 456 нафари рус, 29 917 нафари қорақалпоқ, 2 330 нафари бошқа тилларда ўқиш истагини билдирган.

90 ЙИЛКИ, КИТОБХОНЛАР ХИЗМАТИДА

Қўқон давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс маркази салкам тўқсон йилдан буён талаба ёшлар ва кўқонлик китобхонларга маънавий озуқа улашиб келмоқда. Қайси давр бўлмасин, фидойи устозларимиз китобларни сақлаш ишлари билан шуғулланиб қолмасдан, чин маънода, ёшларни қизиқтириш, эзгуликка етаклаб, китоб мутолаа қилишга даъват қилганлар.

Институт 1931 йилда фаолиятини бошлаган, унинг қошида кутубхона ҳам ташкил этилган бўлиб, йиллар давомида унга Р.Чиланова, Э.Усачева, А.Валиева, В.Христюкова, В.Косарева, Н.Ялышева, И.Ҳакимжоновна раҳбарлик қилишди. Ҳозирда ёш, изланувчан, ташкилотчилик қобилиятига эга Дадақўзи Мелиқўзиев устозлар эзгу ишларини давом эттириб келмоқда.

Бугунги кунда мукамал реконструкция қилинган, нодир адабиётларни ўзида сақлаб келаётган Ахборот-ресурс марказининг моддий-техник базаси мустақамланган, умумий китоб фонди бойиган. Жумладан, 120 та компьютер билан таъминланди, дастлаб кутубхона фонди 3740 га яқин китобдан иборат бўлса, эндиликда адабиётлар сони 152912 нусхага, китобхонлар эса 9192 нафарга етди. Биргина жорий йилнинг 6 ойи ичида 2399 нусхадаги янги китоблар олинди.

Талабаларнинг мавжуд китоб, газета-журналлардан эркин фойдаланишлари, шу жойнинг ўзида мутолаа қилишлари ва илмий изланишлар олиб боришлари учун қулай шароитлар яратилган. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил

этиш мақсадида математика, инглиз тили, рус тили фанлари тўғрисидаги фаолияти йўлга қўйилди.

Институтнинг миллий хўнарамандчилик ва амалий санъат факультети қошида ҳамда 1, 2, 3-талабалар турар жойларида “Кичик кутубхона”лар ташкил этилди. Табиий фанлар, физика-математика, ўзбек тили ва адабиёти факультетлари, барча талабалар ётоқхоналарида 420 номдаги ўқув адабиётларнинг QR кодли китоб жавони ишга туширилди. Бундан ташқари, мавжуд босма адабиётлар электрон шаклга ўтказилди, вилоят кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернати китобхонлари 9 та компьютер ва қулоқчин билан таъминланди.

Ўз касбининг фидойиси бўлган Галина Усмонова, Лоллитта Рузметова, Вера Хлебникова, Мавлуда Мирқурбонова, Зироатхон Жўрабоева, Ҳилолаҳон Мухаммадиева, Хадича Одилова каби устозларимиз китобсеварлар меҳрини қозониб, зиё маскани фаҳрига айланишган.

Муассархон ШЕРАЛИЕВА,
Қўқон давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс маркази библиографи.



Цюрих: \$ 5.08	Варшава: \$ 1.63
Женева: \$ 3.80	Милан: \$ 1.34
Люксембург: \$ 3.27	Рим: \$ 1.21
Мюнхен: \$ 3.15	Сингапур: \$ 1.13
Копенгаген: \$ 2.92	Гонг-Конг: \$ 1.04
Париж: \$ 2.81	Мехико Сити: \$ 0.94
Франкфурт: \$ 2.81	Сеул: \$ 0.82
Осло: \$ 2.60	Токио: \$ 0.81
Амстердам: \$ 2.55	Рио-де-Жанейро: \$ 0.81
Брюссель: \$ 2.43	Дубай: \$ 0.64
Окленд: \$ 2.33	Йоханнесбург: \$ 0.62
Лос-Анжелес: \$ 2.33	Москва: \$ 0.54
Мельбурн: \$ 2.33	Куала-Лумпур: \$ 0.43
Роттердам: \$ 2.30	Доҳа: \$ 0.41
Сидней: \$ 2.28	Бангкок: \$ 0.36
Вашингтон: \$ 2.22	Шанхай: \$ 0.34
Вена: \$ 2.21	Истанбул: \$ 0.33
Нью-Йорк: \$ 2.08	Жакарта: \$ 0.32
Майами: \$ 2.00	Пекин: \$ 0.31
Стокгольм: \$ 1.96	Ханой: \$ 0.29
Дублин: \$ 1.94	Деҳли: \$ 0.24
Ванкувер: \$ 1.89	Мумбай: \$ 0.22
Лондон: \$ 1.89	Лагос: \$ 0.18
Филадельфия: \$ 1.75	Ислобод: \$ 0.18
Хюстон: \$ 1.70	Қоҳира: \$ 0.16
Барселона: \$ 1.69	Тошкент: \$ 0.13
Даллас: \$ 1.63	

МУАССИС:
«Farg'ona haqiqati» va
«Ferganskaya pravda»
gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир:
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета “Полиграф-пресс” МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 2002 нусхада чоп этилди.
Буюртма №:477. Босмаҳона манзили: Фарғона вилояти, Маргилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:
150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.
Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 17.00.

